



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 23 июль, № 149 (9044)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАМЛАКАТИМИЗ ГАВҶАРИ БЎЛГАН ЖИЗЗАХ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ САНОАТ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 22 июль куни Жиззах вилоятига ташриф буюриб, sanoat ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишлар, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа объектлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб “Зомин технопарки” махсус саноат зонасини бориб кўрди.

Мамлакатимизнинг бarchа ҳудудидида иқтисодиёт учун зарур бўлган корхоналар барпо этилмоқда. Бу янги иш ўринлари яратилиши, sanoat тармоқлари ривожланиши, пировардида, халқимиз фаровонлиги ошишига хизмат қилапти. Жиззах вилоятида ҳам кейинги йилларда қайта ишлаш sanoati ҳажми сезиларли даражада ошди.

“Зомин технопарки” қурилишини ўтган йили 27 июнда давлатимиз раҳбари бошлаб берган эди. 400 гектарда барпо этилаётган технопаркда хитойлик инвесторлар билан биргаликда 1 миллиард 200 миллион долларлик 31 та лойиҳа амалга оширилди.

Ўтган даврда зарур инфратузилма ва иншоотлар барпо этилди. Яқинда илк корхона — “Xinjiang Honglin Tianti” компанияси томонидан қиймати 10 миллион долларлик бетон маҳсулотлари тайёрлаш лойиҳаси ишга туширилди. 60 кишининг бандлиги таъминланди.

Айни кунларда 42 миллион долларлик иккинчи лойиҳа бўйича ишлар якуний bosқичда. Унда “Midea” бренди остида йилга 300 минг донна машиный электр техникаси ишлаб чиқарилади. 150 та иш ўрни яратилади. Давлатимиз раҳбарига шу ва навбатдаги лойиҳалар ҳақида ахборот берилди.

Биринчи bosқичда махсус sanoat зонасига 9 та лойиҳа жойлаштирилган. Бугунги кунда қарийб 300 миллион долларлик яна 7 та лойиҳа бўйича қурилиш ишлари давом этмоқда. Уларда қурилиш материаллари,

конструкциялар, электр техникаси ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, логистика ва тренинг маркази ташкил этилади.

Умуман, sanoat зонасидаги барча лойиҳа натижасида қарийб 5 триллион сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, 15 турдаги янги маҳсулот ўзлаштирилиб, 70 миллион долларлик экспорт салоҳияти яратилади. Энг муҳими, 5 мингдан ортиқ фуқаролар ишли бўлади.

Президент инвесторларга кўмаклашиб, лойиҳаларни тезлаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Sanoat соҳаларига мос мутахассислар тайёрлаш, ёшлар бандлигини таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари “Зомин технопарки”да режалаштирилган янги лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Юқорида қайд этилганидек, биринчи bosқичда 9 лойиҳа бўйича ишлар бошланган. Энди иккинчи bosқич доирасида яна 5 та лойиҳа шакллантирилган.

Жумладан, “Longze Investment Group” компанияси билан ҳамкорликда хавфсизлик ва тиббиёт техникалари, “Foxit” компанияси билан ноутбук, планшет, сервер, роутер каби замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, чарм ва спорт пойабзаллари, қурилиш материаллари, чинни идишлар, кимё маҳсулотлари бўйича лойиҳалар кўзда тутилган.

Уларнинг умумий қиймати 250 миллион доллар атрофида бўлиб, юқори қийматли товарлар ишлаб чиқарилади. Тайёр маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизи ташқи бозорга йўналтирилади.

Жиззах вилоятида хорижий инвестициялар миқдори йил сайин ўсиб бормоқда. 2018 йилда вилоятда бор-йўғи 18 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилган бўлса, ўтган йили бу рақам 1 миллиард доллардан ошган. Охириги саккиз йилда вилоятга 3,7 миллиард доллар инвестиция киритилган, 4 мингдан зиёд sanoat корхоналари ишга тушган. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар сони 260 тадан ошган.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Зомин туманида қурилаётган маийший техника заводини кўздан кечирди.

Ушбу йўналиш бўйича юртимизда катта салоҳият мавжуд. Давлатимиз раҳбари бу суръатни давом эттириб, миллий брендлар остида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, Ўзбекистонни минтақавий “электротехника хаби”га айлантириш вазифасини қўйган. Зоминдаги завод бунинг бир қисми бўлади.

“Навоий” махсус sanoat паркиннинг филиали сифатида ташкил этилган мажмуа 80 гектар майдонда жойлашган. Лойиҳанинг умумий қиймати 150 миллион доллар. Бу ерда кирювиш машинаси, совиткич, телевизор, электр сув иситкич каби йилга 1 миллион донна маийший техника ҳамда бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади. 100 турдаги маҳсулотлар натижасида маҳаллийлаштириш даражаси 70 фоизга етади.

Муҳими, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 320 миллион долларни ташкил этади. Шундан 140 миллион долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилади. 7 мингдан зиёд аҳоли иш билан таъминланади.

Sanoat паркида тайёрланган маҳсулотлар Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон сингари 15 дан ортиқ мамлакатларга экспорт қилинади.

Ҳозирги ўзгарувчан бозор талабларига тез мослашиш учун заводнинг ўзида қолпихона ҳам ташкил этилади. Замонавий логистика маркази орқали маҳсулотлар харидорга изчил етказиб берилади.

Бундан ташқари, sanoat паркида “Автосаноат” АЖ таркибидagi корхоналар учун пластмасса маҳсулотлари тайёрлаш ҳам режалаштирилган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудидида имкониятларни тўла ишга солиш чоралари кўрилмоқда. Ўтган йил 31 декабрда Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича Президент қарори қабул қилиниб, зарур масалалар ҳал қилиб берилган эди. Хусусан, унда 2025 йилда 2 миллиард доллар инвестиция жалб этиш, экспортни 285 миллион долларга етказиш, 168 минг кишини ишли қилиш чора-тадбирлари белгиланган.

Бу вазифалар бирин-кетин бажарилмоқда. Ўтган олти ойда Жиззахда sanoat, сервис ва қишлоқ хўжалигида 200 та лойиҳа ишга тушди. Вилоятга 662 миллион доллар инвестиция кириб келди.

Натижадорлигини янада ошириш мақсадида Жиззах вилоятининг Зомин туманида ҳам “Ислохотлар штаби” тузилган.

Давлатимиз раҳбари ташрифи давомида вилоятда амалга оширилиши режалаштирилган янги лойиҳалар тақдироти билан ҳам танишди.

Хусусан, “ягона дарча” тамойили

асосида қишлоқ хўжалиги хизматларини битта жойга жамлаган “Агро-марказ” ташкил этилди. Ҳосилдорликни оширишга қаратилган янги ҳаёндашувлар вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатига ижобий таъсир қилиб, аҳолининг кўпроқ даромад топишига имкон яратмоқда.

Жиззах вилояти картошкачиликни ривожлантиришга замин қилиб олинмоқда. Бугунги кунда Зомин илмий тажриба станциясида хорижий ва маҳаллий селекцияга мансуб 12 та нав бирламчи уруғчилиги йўлга қўйилди.

Одатда уруғлик картошка етиштириш 6-7 йилни ва 8 та bosқични талаб қилса, янги таклифга кўра жараён 4 bosқичга камайтирилиб, 2 йилда тайёрланади. Бунда картошканинг янги селекция навларидан 12 тонна юқори авлод супер элита уруғлик аҳоли хонадонларига бепул тарқатилади. Натижада 120 тонна элита картошка уруғлиги етиштирилади. Лойиҳа доирасида Зомин ва Бахмал туманлари уруғлик картошка етиштиришга ихтисослаштирилади.

Шунингдек, дуқакли экинлар экиш, Зарбор туманидаги каналда насос станциялари ва магистраль қузувлар қуриш режалари белгиланган.

Жиззахнинг турфа табиати, тоғли ва чўл ҳудудлари йилнинг тўрт фаслида ҳам саёҳат қилиш имконини беради. “Зомин” туристик-рекреацион зонаси, Зомин аэропорти ва янги йўллар бу имкониятларни янада кенгайтирди. Йирик 6 та канал бўйида сайилгоҳлар ташкил қилинди. Энди “Айдар-Арнасой” қўллар тизими қирғоқ бўйида ҳам замонавий туризм маркази барпо этилади.

— Туманларга sanoatни олиб кириб, одамларни ишли қилишга ҳаракат қилаймиз. Илгари дашт бўлган жойларда замонавий корхоналар пайдо бўляпти. Одамларимиз хунаридан, томорқасидан ҳам даромад топяпти. Лекин бу бугунги натижа. Янги авлод етишиб келяпти, ёшларимизнинг билими, талаби ошиб борапти. Уларнинг ишлаши, яхши яшаши учун ҳозирдан замин яратишимиз керак. Агар имкониятлардан тўғри фойдаланилса, Зомин тумани ишсизликдан холи ҳудуд бўла олади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, Кўкдала туманининг янги марказида санъат саройи, санъат мактаби, умумтаълим мактаби ва спорт мажмуаси ёнма-ён барпо этилмоқда. Давлатимиз раҳбари бу болаларга қулай бўлишини таъкидлаб, келгуси лойиҳаларда шу усулни қўллаш зарурлигини айтган эди. Энди шу тажриба асосида Зомин туманида ҳам маданият саройи ва санъат мактаби қурилиши режалаштирилган. Маданият саройи 300 ўринли бўлиб, туман марказидаги 45 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатади. Бу ерда “Зомин сайқали” фольклор-этнографик жамоаси, 13 та тўғарақ фаолият юритади.

Мутасаддиларга ушбу режалар ижроси, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожга бўйича топшириқлар берилди.

Шу билан Президентимизнинг Жиззах вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Абдужалоил ҚАЮМОВ,
Ўза Мухбирлари.

Сенат Кенгашида

ДАВЛАТ УЛУШИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЭВАЗИГА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Куни кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди. Мажлисида парламент назорати доирасида иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ижроси муҳокама қилинди.



Таъкидланганидек, 2021 — 2024 йилларда устав фондида давлат улуши мавжуд 500 дан зиёд хўжалик жамиятлари, давлат унитар корхоналари ва 3,4 мингга яқин кўчмас мулк объектлари хусусийлаштирилган, 1027 та корхона тугатилган, 964 таси қайта ташкил этилган.

Давлат активларининг хусусийлаштирилиши натижасида қарийб 36 минг янги иш ўрни очилган. Тадбиркорларга янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган изчил чора-тадбирлар самараси ўлароқ 50 дан ортиқ давлат хизматлари хусусий секторга берилган.

2024 йилнинг ноябрь ойида илк бор “Халқчил IPO” дастури доирасида Республика товар-хонамаш биржасининг 3 миллиондан ортиқ акциялари аҳолига сотилиб, 11 мингга яқин кишилар акциядорларга айланган.

Банк тизимини ислох қилиш стратегияси доирасида 3 та банкнинг хусусийлаштирилгани ва 8 та янги хусусий банк ташкил этилгани ҳисобига давлат банкларининг умумий активлардаги улуши 85 фоиздан 65 фоизга қисқарган.

Муҳокама жараёнида сенаторлар хусусийлаштириш бўйича ҳудудлар ва тармоқларда фойдаланилмаётган имкониятлар, бўш турган жойларни иқтисодий активга айлантириш, аукционга чиқарилган тайёр биноларни сотишда йўл қўйилган камчиликларга ҳам эътибор қаратди.

Жумладан, вазирлик, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият орган-

лари тасарруфидаги айрим бўш турган бино ҳамда иншоотлар оммавий савдоларга чиқарилмаган. Ўндан зиёд давлат активлари қарийб бир йилдан буён аукционда сотилмаса-да, уларнинг бошланғич нархини пасайтириш механизмидан фойдаланилмаган.

Ҳудуднинг ихтисослашуви, коммуникация ўтказиш имконияти ўрганилмасдан тадбиркорлик фаолияти учун аукционга чиқарилган 1,9 минг гектарга яқин ер майдонлари қарийб бир йилдан буён сотилмасдан қолмоқда.

Ижтимоий дафтарларга киритилган ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкдаги бино ва иншоотларни ижарага бериш бўйича жорий этилган имтиёзлардан деярли фойдаланилмаган.

2024 йилда айрим вилоятларда давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушган маблағлар тўлиқ вилоят бюджетига ўтказилиб, объект жойлашган туман (шаҳар) бюджетига ажратмалар амалга оширилмаган.

Сенаторлар томонидан хусусийлаштирилмаган ва ижарага берилмаган давлат мулки, уни сотиб олиш бўйича яратилган имкониятлар ва имтиёзлар ҳақида аҳоли ҳамда тадбиркорларни кенг хабардор этиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаётгани танқид қилинди. Бу борада ҳоким ёрдамчиларининг масъулиятини ошириш ҳам муҳимлиги қайд этилди.

Кенгаш мажлисида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларига иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича белгиланган вазифалар бажарилишини мониторинг қилиш, муниципал мулкни хусусийлаштириш ҳолати тўғрисида масъул идораларнинг ҳисоботларини сессияларда эшитиш ва тегишли чоралар белгилаш юзасидан тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲАЁТИМИЗГА ДАХЛДОР МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Спикер Н. Исмоилов ўтган ҳафтада мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеаларга тўхталди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 14 июль куни қабул қилинган “Ислохотларни амалга оширишда истикболли ташаббусларни янада қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.



Ҳужжатда бир нечта муҳим стратегик йўналишлар белгилангани, хусусан, халқчил ислохотлар жараёнида етук мутахассислар, ёшлар, тадбиркорлар ва фаол фуқаролар иштирокини таъминлаш, технологиялар ва илм-фан ютуқларини интеграция қилиш, истикболли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, замонавий, илғор гояларни ҳаётга татбиқ этиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани айтилди.

Яна бир муҳим ҳужжат — “Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги мажлиси доирасида эришилган келишувларнинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент

қарори Ўзбекистонда инвестиция муҳитини яхшилаш, хорижий сармоядорлар учун қулай шароитлар яратиш, умуман, инвесторлар ишончини мустаҳкамлашга қаратилган тизимли ишларни жадаллаштиришда муҳим ўрин тутishi айтилди.

Мазкур Фармон ва қарор ижроси самарали амалга оширилишида депутатлар, сиёсий партиялар фракциялари, кўмиталар фаол иштирок этиши, унда белгиланган вазифаларнинг тегишли вазирлик ва идоралар томонидан бажарилиши юзасидан парламент назоратини таъминлаш зарурлиги урғу берилди.



488,5 триллион сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилди

Мамлакатимизда 2025 йилнинг биринчи ярмида **488,5 трлн.**

сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2024 йилнинг шу давридагига нисбатан **6,6 фоиз** ўсишга эришилди.



Бу охириг беш йилликдаги энг юқори кўрсаткичдир. Эътибор қилинг, 2021 йилнинг биринчи ярмида киши бошига **5 763,8** минг сўмлик sanoat маҳсулотлари тўғри келган.

Миллий статистика кўмитасидан маълум қилишларича, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра республикада фаолият юритаётган sanoat корхоналари сони **59,0 минг**тага етказилгани, улар томонидан ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил ошириш чора-тадбирлари кўрилаётгани туфайли ана шундай барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Натижада аҳоли жон бошига тўғри келадиган sanoat маҳсулотлари улуши **12 957,9** минг сўмни, ўсиш суръати **4,5** фоизни ташкил этди.

Бу борада айрим ҳудудларда республика кўрсаткичидан юқори натижа қайд этилгани, хусусан, Жиззах вилоятида **9,9 фоиз**, Навоий вилоятида **7,5 фоиз**, Хоразм вилоятида **7,3 фоизга** етгани, айниқса, қувонарлидир.



Сенат кўмиталарида

МАЪЛУМОТЛАР АЛМАШИНУВИ
БОРАСИДАГИ НОАНИҚЛИКЛАР
ЮЗАСИДАН СЎРОВ ЮБОРИЛДИ

Шу йил 7 мартда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ маиший чиқиндилар хизмати учун мажбурий тўлов бўйича қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда, истеъмолчи мазкур қарздорлик ҳақида SMS орқали огоҳлантирилганидан сўнг 5 кун ичида қарздорликни бартараф этмаса, электр энергияси бўйича тўловларни қабул қилиш вақтинчалик тўхтатилиши назарда тутилган.

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси шу муносабат билан чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари соҳасида тўлов интизомини, қонун ижросини таъминлаш механизмлари ҳамда амалиётда юзага келаётган муаммолар юзасидан мутасадди вазирлик ва идораларга аниқ манзили саволлар йўллаганди.

Бироқ “Худудий электр тармоқлари” АЖНинг “НЕТ” иловасида аҳоли томонидан маиший чиқинди хизмати бўйича қарздорлик ҳақидаги маълумотлар акс этмаётгани, “Тоза макон” электрон биллинг тизими билан “Худудий электр тармоқлари” АЖНинг бил-

линг тизими ўртасида тўлиқ интеграция таъминланмагани, шунингдек, айрим истеъмолчиларда чиқинди хизмати бўйича шартнома мавжуд эмаслиги ҳамда абонент ҳисоб рақамларидаги ноаниқликлар жамоатчиликда ташвиш тудирмоқда.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, Сенат кўмитаси томонидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига ҳамда Энергетика вазирлигига маълумотлар алмашинуви жараёнида юзага келаётган муаммолар юзасидан аниқ маълумот ва уларни бартараф этиш бўйича амалий тақлифлар тақдим қилиш сўралди.

ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД
ҚОНУНЧИЛИК МЕЪЁРЛАРИГА
ҚАНЧАЛИК РИОЯ ЭТИЛЯПТИ?

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

Унда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг 2024 йилги “Очиқлик индекси” натижалари бўйича “қизил” тоифада баҳоланган Кинематография агентлиги ҳамда Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ахборотлари эшитилди.

Айтинганидек, ушбу ташкилотлар томонидан очиқликни таъминлашга оид қонунчилик талабларига риоя этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилган.

Хусусан, Кинематография агентлиги томонидан 2024 йилда 25 та ҳужжатли, 15 та қисқа метражли ва 20 та тўлиқ метражли бадийий фильм ишланган, шулардан 11 таси кинопрокатга чиқарилган, 5 таси телеканаллар орқали намойиш этилган. Миллий сериаллар тасвирга олишни қўллаб-қувватлаш мақсадида телеканалларга 12 млрд. сўм субсидия ажратилган.

Инспекция эса 2023 — 2025 йилларда ёқилғи-энергия ресурсларида самарали фойдаланиш бўйича 93 минг 938 истеъмолчини профилактик қамролга олган. Назорат тадбирлари натижасида 3 трлн. сўмлик энергия ресурсларини талон-торож қилиш ҳолатлари аниқланиб, 12 719 та маъмурий баённома ва 770 та ҳолатда иқтисодий жарималар қўлланган.

Шу билан бирга, ушбу ташкилотларда хали-ҳануз очиқлик ва

шаффофлик борасида қатор тизимли муаммолар сақланиб қолаётгани таъкидланди.

Жумладан, Кинематография агентлиги 2022 йил якунларида 84 та баҳолаш мезонидан фақат 35 тасини мукаммал бажарган, 19 та мезон бўйича эса маълумотлар тўлиқ эълон қилинмаган. Агентлик уч йил кетма-кет — 2022 йилда 47,4 балл, 2023 йилда 26,6 балл ва 2024 йилда 30,4 балл кўрсаткич билан “қизил” тоифада баҳоланган.

Шунингдек, инспекция 2023 йилда 84 та мезондан фақат 22 тасини тўлиқ бажарган ва 8 та мезон бўйича маълумотларни эълон қилишда камчиликларга йўл қўйган. У ҳам 2023 ва 2024 йилларда мос равишда 34,4 ва 51 балл билан “қизил” тоифага киритилган.

Мажлис якунида кўмита қарори қабул қилиниб, ушбу ташкилотлар фаолиятида очиқлик даражасини ошириш, ахборотлардан фойдаланишда жамоатчилик учун шаффофликни таъминлаш борасидаги аниқ вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».



Мустақилликнинг 34 йиллиги олдидан

ИСТИҚЛОЛНИНГ ТОТЛИ НЕЪМАТИ

Тарих учун ўттиз тўрт йил жуда қисқа давр, лекин ана шу йиллар давомида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳасида амалга оширилган ишлар асрларга татиғулиқдир. Чунки бу даврда юртимиз иқтисодиёти юксалди, маънавий, миллий, диний қадриятларимиз тикланди, нафақат халқимиз, балки шу юрtdа яшаётган барча миллат ва элат вакиллари эмин-эркин яшаш, меҳнат қилиш имконига эга бўлди.

Мустақиллик берган имкониятлар тўғрисида қўллаб-қувватлаш мумкин. Истиқлолнинг энг тотли неъматларидан бири — бу шубҳасиз, қўллаб-қувватлаш истеъдодларнинг юзага чиққани. Кейинги йилларда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилган ислохотлар самараси ўлароқ бугун янги Ўзбекистон ёшлари илм-фан, таълим, маданият, санъат, спорт соҳасида халқро даражадаги катта ютуқларга эришиб, юртимиз байроғини кўкларга кўтармоқда.

Дарҳақиқат, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш янги ривожланиш босқичида устувор вазифа ҳисобланади. Шу мақсадда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларга ёшлар масаласига устуворлик қаратилляпти. Давлатимиз томонидан

ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни таъминлайдиган зарур шароитларни яратиш, жамият ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини ошириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Утган қисқа даврда ушбу йўналишда 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Айниқса, янги тахирдаги Конституцияда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатлари аниқ моддалар билан муҳрлаб қўйилгани бу борадаги ҳуқуқий базани янада кенгайтириш, амалий ишларимизни янги босқичга кўтариш имконини бермоқда.

Президентимиз “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарориди ҳам “Ёшлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” деган шиор остида навқирон авлод вакиллари-

ХУҚУҚИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ
МАНТИҚИЙ ДАВОМИ

10 июль куни давлатимиз раҳбари томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун имзоланди. Айни ҳужжат билан айрим жазо чораларини қилмишнинг хусусиятига, жазолашдан қўзланган мақсадга эришиш учун етариллигига қараб қайта кўриб чиқиш зарурияти асосида эскирган моддалар чиқариб ташланди.

Шарҳ

Қонун билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётига хусусий айблов институтини жорий этиш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, тўхмат ва ҳақорат қилиш ҳамда бошқа шу каби ҳолатлар жабрланувчининг ҳуқуқбузарни жавобгарликка тортиш ҳақидаги аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланмоқда.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар ижтимоий аҳамиятини йўқотган ва уларнинг сони кескин камайган. Шу билан бир вақтда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг бир нечта моддасида айни бир маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик белгиланган. Шу боис ушбу қонун уларни мувофиқлаштирувчи вазифасини ҳам бажаради.

Юртимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-қимматини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш тамойили Ўзбекистонда барпо қилинаётган инсонпарвар демократик давлатнинг пойдеворини ташкил этади. Бу йўлда

олиб борилаётган тизимли ислохотлар нафақат сиёсий ва иқтисодий соҳаларда, балки ҳуқуқий муҳитда ҳам ўзининг аққол ифодасини топмоқда. Шу маънода, қабул қилинган маъмурий жавобгарлиқни либераллаштиришга қаратилган янги қонун — амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий муносабатлар тараққиёти ҳамда жамиятдаги ижтимоий фаоллик даражаси ортиши натижасида айрим маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг ўз аҳамиятини йўқотиши уларни қайта кўриб чиқиш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдаги такрорланувчи нормаларни мувофиқлаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Қонун билан қуйидаги асосий ўзгаришлар назарда тутилган:

— қилмишнинг ижтимоий ҳавфсизлик даражаси, жазолаш мақсадида етариллик мезонларидан келиб чиққан ҳолда айрим ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик бекор қилинди;

— баъзи ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш фақат жабрланувчининг аризаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши белгиланди;

тўғрисидаги жавоблари эшитилди.

Фракция ташаббуси асосида ҳисобдор даврида Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш, инвестицияларни жалб этиш ҳамда экспортни диверсификациялаш ва глобал савдо алоқаларини ривожлантириш, шунингдек, хорижий ўлкаларда бўлиб турган мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизлар фаоллигини юксалтириш борасидаги ишлар тўғрисида, “Техмакорлик ва барқарорлик” тамойили асосида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятини трансформация қилишни тезлаштириш бўйича қўрилаётган чоралар юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар масъулларининг ахборотлари эшитилди.

Бундан ташқари, Олий Махлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмени)нинг 2024 йилдаги бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари томонидан риоя этилиши ҳолати, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2024 йилдаги фаолияти ҳақидаги маърузалари тингланди. Давлат дастурининг 2024 йилда бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи тўғрисидаги ахборот ҳам кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари томонидан сайловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида-

ги ишларга жиддий эътибор қаратилиб, жойлардаги назорат-таҳлил тадбирлари, сайлов округларидаги ўрганишлар давомида аниқланган долзарб масалалар юзасидан давлат бошқаруви органлари раҳбарларига жами 21 та депутат сўрови юборилди.

Юзма-юз мулоқотлар
муаммоларга ечим
бўлмоқда

Фракция аъзолари мамлакатимизни 2025 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида белгиланган муҳим вазифаларнинг ижро этилиш ҳолатини ўрганиш бўйича Қонунчилик палатасининг гуруҳлари таркибида бўлиб, жойларда ўрганишлар олиб борди. Шу билан бирга, жорий йилнинг биринчи чораги давомида Президентимиз раислигида бўлиб ўтган йиғилишларда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишчи гуруҳлар шакллантирилди.

Хусусан, январь — июнь ойларида фракция аъзолари, маҳаллий Кенгаш депутатлари Жиззах, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Андижон ва Хоразм вилоятларида ўрганишлар олиб борди.

Бу жараёнда фермер ва деҳқон ҳўжаликлари фаолияти, қулай агробизнес муҳити, қишлоқ ҳудудларида тадбиркорлиқни ривожлантириш бўйича ишлар самарадорлиги, кичик саноат зоналаридаги ишлаб чиқариш жараё-

нинг бундан буён ҳам замонавий билим ва касб-хунарларни, хорижий тилларни, ахборот технологияларини эгаллаш, тадбиркорлик билан шуғулланиши, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиб берилиши устувор вазифа сифатида белгиланган. Айтиш керакки, бундай гоятда улугвор мақсад ва вазифалар ушбу кутлуг санани давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги тараққиёт даражаси, халқро майдондаги обрў-эътиборига муносиб равишда юксак савияда кенг нишонлашга асос бўлади.

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлаш асосида юртимизнинг янги қиёфаси яратилмоқда. Бу жараённинг янада кенг аҳамият касб этиши, янги Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари орасида ўз сўзига эга бўлиши кўп жиҳатдан замонавий билимларни пухта эгаллаган, кенг дунёқарашга эга, маънавиятли ёшларга боғлиқ.

Кобулжон ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси
раиси ўринбосари.

Маҳаллий Кенгашларда
ЯНГИЧА
ЁНДАШУВЛАР
АСОСИДА

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини намунали ташкил қилиш бўйича семинарлар давом этмоқда.

Куни кеча Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида бўлиб ўтган семинарда вилоятдан сайланган сенаторлар, сиёсий партиялар вакиллари, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, котибият ходимлари ҳамда журналистлар қатнашди.

Дастлаб иштирокчилар Боёвут туманидаги Марказ маҳалласида бўлиб, тадбиркорлар, хунармандлар фаолияти, шунингдек, иқтидорли мактаб ўқувчилари ва ёш спортчиларнинг чиқишлари билан танишди.

Семинар доирасида халқ депутатлари Боёвут тумани Кенгаши учун янги қурилган замонавий бионинг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Унда Сенатнинг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси раиси Анвар Тўйчиев Кенгаш фаолиятини намунали йўлга қўйиш борасида амалга оширилган ишлар, депутатлар ва котибият ходимларининг саъй-ҳаракатларини алоҳида қайд этди.

Шунингдек, Сенат девонининг Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази масъул ходимлари томонидан Сирдарё вилоятидаги барча туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятини Боёвут тумани Кенгаши миқолида намунали ташкил этиш юзасидан амалий тавсиялар берилди. Доимий комиссиялар фаолиятини яхшилаш, депутатларнинг халқ билан мулоқотдаги фаоллигини янада ошириш юзасидан фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА
УЛАРГА КўМАКЛАШИШ — ФАОЛИЯТИМИЗ БОШ МЕЗОНИ

Жорий йилнинг ўтган биринчи ярим йиллигида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолияти қизгин ва самарали кечди дейиш мумкин.

Сарҳисоб

Асосий эътибор Президентимизнинг 2024 йил 18 — 20 ноябрь кунлари Олий Мажлис палаталари мажлисларидаги нутқлари, партия электорати манфаатлари ҳамда сайловолди дастурида илгари сурилган ташаббуслардан келиб чиқиб, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳуқуқларини таъминлашга, мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришга, таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга қаратилди.

Шу йил 5 май куни ЎзЛиДеП ҳамда “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциялари “Тараққиёт блоки”ни ташкил этиш юзасидан битим имзолагани амалий ишлардан бири бўлди. Зеро, 93 нафар депутатни бирлаштирган “Тараққиёт блоки” парламентда кўпчиликни ташкил этиб, етакчи сиёсий кучга айланди. Унинг мақсади иккала партия фракциялари сайёҳаракатларини бирлаштириш орқали партияларнинг дастурий мақсад ҳамда вазифаларини самарали амалга оширишга эришишдан иборат.

Халқчил ва таъсирчан

Фракция аъзолари томонидан қонун ижодкорлиги режасидан ўрин олган

ҲАЁТИМИЗГА ДАХЛДОР МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



➡1 Мажлисда депутатлар томонидан расмий статистика соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, соддалаштирилган тартибда ижро этиладиган ишлар тоифасини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Парламентдаги муҳолифат фракция эътирози асосида кўмидага қайтарилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди

Қонунчилик палатасининг ўтган ялпи мажлисида парламентдаги муҳолифат — Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг қонун ташаббускорларига билдирган эътирозидан сўнг расмий статистика соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси қайта ишлаш ва маромига етказиш шарти билан масъул кўмидага қайтарилган эди.

Муҳолифат фракцияси томонидан расмий статистика соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқиши, тасдиқланишини ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича ваколатли органнинг белгиланмаганлиги, расмий статистикани тайёрловчилар тўғрисидаги моддага давлат органлари ҳамда ҳўжалик бирлашмаларини статистика дастурларига расмий статистикани тайёрловчи сифатида киритиш Миллий статистика кўмитаси томонидан белгиланган мезонлар асосида бажарилиши масаласининг ҳуқуқий жиҳатдан асосланганлиги қайд этилган эди.

Масъул кўмида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришда расмий статистиканинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиб, депутатлар томонидан билдирилган эътироз, таклиф ва тавсияларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасини қайта ишлаб чиқди.

Шунингдек, қонун лойиҳасига асос бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта хатловдан ўтказилди. Аниқланган амалдаги қатор қонунларга тегишли ўзгаришлар киритилди.

Конституциянинг 115-моддасидан келиб чиқиб, яъни “Вазирлар Маҳкамаси самарали иқтисодий, ижтимоий, солиқ ва бюджет сийсати амалга оширилиши, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга доир дастурларнинг ишлаб чиқиши ҳамда бажарилиши учун жавобгар” этиб белгиланганлиги сабабли қонун лойиҳасида амалдаги таҳрир тикланди.

Қонун лойиҳасида акс этган Миллий статистика кўмитасининг белгиланган мезонлар асосида давлат органлари ҳамда ҳўжалик бирлашмаларини статистика дастурларига расмий статистикани тайёрловчи сифатида киритишни назарда тутувчи қўшимча ваколатлари аниқлаштирилди.

Депутатлар томонидан қонун лойиҳаси миллий ва хорижий фойдаланувчилар учун расмий статистика маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда расмий статистикадан фойдаланувчилар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилиши таъкидланди.

Мажлисда расмий статистика соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модда-модда кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

Маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот масканлари бош ва кичик инспекторларига ваколат берилаяпти, уларнинг масъулияти ошириляпти

Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими ҳамда жамоат тартибини сақлаш соҳасига оид

қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Криминоген вазият оғир маҳаллаларда ҳолатни барқарорлаштириш ҳамда жиноятларни барвақт профилактика қилиш мақсадида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти такомиллаштирилиб, профилактика бош ва кичик инспектори лавозимлари жорий этилган. Бироқ ички ишлар органлари тизимидаги ишларни кўриш ва чораларни қўллаш вако-



лати фақат маҳалладаги профилактика инспекторларига берилган бўлиб, бундай ваколат ҳуқуқ-тартибот масканларидаги бош ва кичик инспекторларда мавжуд эмас.

Бундан ташқари, ҳозирда ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати инспекторларига аниқланган айрим ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий баённомалар расмийлаштириш ваколати берилган бўлса-да, ушбу маъмурий баённомалар юзасидан чораларни қўллаш ваколати тизимдаги бошқа мансабдор шахсларга, масалан, иш юкламаси катта бўлган туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиқлари ва ўринбосарлари, транспортда хавфсизлиқни таъминлаш бўлиномалари бошлиқлари ёки профилактика инспекторларига юклатилган.

Юқоридаги ҳолатлар маълум иш бўйича қарор қабул қилиш жараёниларининг кечикишига, бу эса фуқароларнинг сарсон бўлишига олиб келмоқда. Шу сабабли, мазкур қонун лойиҳаси билан ҳуқуқ-тартибот масканлари инспекторларига ҳамда патруль-пост хизмати инспекторлари раҳбарларига маъмурий баённомаларни кўриб чиқиш ва чораларни қўллаш ваколати берилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси маҳаллаларда криминоген вазиятни барқарорлаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, вақт ва ресурсларни тешажа, оврагарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Портатив лазерли нур тарқаткичларнинг муомаласи тартибга солинади

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавоб-

нинг самарадорлигини ошириш, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ундан жабрланиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадлари назарда тутилган.

Ҳужжатда лазерли нур тарқаткичлар муомаласи қисман чекланмоқда. Яъни тиббиёт ва ижтимоий соҳада ҳозирда ишлатилиб келинаётган ва жамиятга хавф туғдирмаётган маҳсулотларнинг фойдаланилишига рухсат берилиши белгиланмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Соддалаштирилган тартибда ижро этиладиган ишлар тоифаси кенгайтирилмоқда

Мажлисда “Ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартиби янада такомиллаштирилиши муносабати билан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 43-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Маълумки, ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибда ундирувни қарздорнинг мол-мулкига (бундан пул маблағлари мустасно) қаратмаган ҳамда қарздорга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланмаган ҳолда амалга оширилади.

Мазкур қонун лойиҳаси билан соддалаштирилган тартибда ижро этиладиган ижро ишлари тоифаси кенгайтирилмоқда. Хусусан, видеокоңференцалоқа харажатларини, коммунал хизматлар ҳамда кўп квартиралы уйлар мулкдорларининг мажбурий бадалларини ёки тўловлар бўйича қарздорликларни, шунингдек, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан кўп бўлмаган даражада ижро ҳужжатларини соддалаштирилган тартибда ижро этиш назарда тутилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси ундирув самарадорлигини оширишга, мураккаб бўлмаган ижро ишлари бўйича қарздорларнинг яшаш жойига бориб, уларни ортиқча безовта қилиш ҳолатларининг олдини олишга, шунингдек, қарздорга нисбатан тақий ва чекловларни қўлламаган ҳолда ундирувни амалга оширишга имконият яратяди.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор саволлар ўртага ташланди. Жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Дилбар Мамажоновна ушбу қонун лойиҳаси фракция йиғилишида атрофлича муҳокама қилинганини қайд этиб, айрим масалаларга эътибор қаратди. Хусусан, бугунги кунда кўп қаватли уй-жойлар, коммунал хизматлар билан боғлиқ муаммолар аҳолининг ҳақли эътироз-

ларига сабаб бўлаётгани, яъни коммунал ташкилотлар ва бошқарув-сервис компанияларининг аҳолига хизмат кўрсатиш сифати бугунги кунда жуда пастлиги айtilди. Шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув ногиронлиги бор шахслар, эҳтиёжманд аҳоли қатламлари иш ҳақи, стипендияси, пенсиясидан ушлаб қолинадиган бўлса, эҳтиёжманд аҳоли қатламини қийнаб қўймаймизми, деган саволни ўртага ташлади.

Қизгин савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Марказий банк раисига парламент сўрови юборилди

Мажлисда “Банк тизимини ислоҳ қилиш ҳамда банкларни трансформация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” парламент сўрови юбориш масаласи кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда банк секторини тубдан трансформациялаш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги Фармониға асосан 2020 — 2025 йилларға мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси қабул қилинган ва бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамай, таҳлиллар банк секторида давлат улуши юқори даражада сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда. Шунингдек, хусусий банклар активларининг банк сектори активлари умумий ҳажмидаги улуши ҳам стратегияда 2025 йил учун белгиланган мақсад кўрсаткичларидан пастлигича қолмоқда.

Парламент сўрови муҳокамасида депутатлар банкларни трансформация қилишдаги бундай ҳолатлар тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг замонавий банк хизматларига бўлган талабларини қондиришга салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлашди.

Бугунги кунда янги ташкил этилган кредит ташкилотларининг асосий қисми Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида жойлашганлиги сабабли қишлоқ ҳудудларида уларнинг хизматларидан фойдаланиш имконияти чекланган. Бу эса банк ва молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, бундай хизматларнинг барча аҳоли пунктида кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилишини талаб этмоқда.

Шунингдек, аҳолидан келиб тушаётган мурожаатлар банк карталари орқали фирибгарликларнинг олдини олишга қаратилган чоралар, хусусан, банк тармоқларида замонавий ҳимоя тизимларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш борасида ҳам тезкор чора-тадбирлар кўриш зарурлигини кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, банклар трансформацияси, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг замонавий банк хизматларига бўлган талабларини қондириш, банк ва молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш бўйича Марказий банк раиси Т. Ишметовга ушбу масала юзасидан Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Имтиёзли кредит ажратишда коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш белгиланмоқда

➡1 Ушбу банклар ҳамда бошқа тижорат банклари томонидан электрон платформа орқали аксарият турдаги микроқарз маблағларини ажратиш муддати 10 дақиқагача қисқартирилган. Банк карталарини онлайн тарзда очиш, миқозларни идентификация қилишни биометрик маълумотлар асосида амалга ошириш ҳамда ҳужжатларни автоматик равишда текшириш йўлга қўйилган. Ушбу банклар томонидан ҳозирда жисмоний шахсларга 12 турдаги ва юридик шахсларга эса 14 турдаги молиявий хизматлар кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга, тижорат банкларида имтиёзли кредит ажратиш ва молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омилини чеклаш, бу борада рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш бўйича айрим муаммолар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, тижорат банкларида амалда бўлган рақамли платформаларнинг ягона ҳамда ташқи ахборот базалари билан интеграциялашган тизими мавжуд эмас. Бу эса имтиёзли кредитларга оид маълумотлар базасини тўлақонли шакллантириш, таклиф этилган имтиёзли

кредитлар учун жисмоний ва юридик шахслар (талабгор)дан аризани электрон шаклда қабул қилиш ҳамда миқоз (аризачи)га оид маълумотларни тегишли ташкилотлар (суд идоралари, солиқ, ички ишлар, мажбурий ижро органлари, Кадастр агентлиги, Савдо-саноат палатаси ва бошқалар)дан электрон тарзда олиш ҳамда ахборот алмашинувини йўлга қўйишда қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Муаммоли кредитлар билан боғлиқ сўровларни ҳамда банк миқозини бир банкдан бошқа банкка ўтганда, унинг аввалги ҳисобварақ айланмасига оид маълумотларни реал вақт режимда олиш талаб этилса-да, бундай имконият амалиётда мавжуд эмас.

Яна бир эътибор тортган ҳолат — тижорат банкларининг электрон платформалари билан боғлиқ. Ушбу идоралараро ахборот базалари ва “Кредит-ахборот таҳлилий маркази” кредит бюросининг “КАТМ” ахборот дастурида шаклланган кредит тарихи билан интеграция қилинмаганлиги сабабли локал шаклда фаолият кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари томонидан таклиф

этилаётган имтиёзли кредит турлари ва шартлари тўғрисидаги маълумотларни электрон тарзда тарқатиш, талабгорнинг электрон аризасини унинг кредит тарихи асосида кўриб чиқишда инсон омилини чеклаш ва маълумотларни сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш имкониятини чеклайди.

Шу ўринда банк тизими фаолиятига оид қонунчиликда тижорат банклари томонидан молиявий хизматларни амалга оширишда инсон омилини чеклаш ҳамда рақамлаштиришга оид мажбурий қоида ва талаблар билан (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиқлари ва ўринбосарлари, транспортда хавфсизлиқни таъминлаш бўлиномалари бошлиқлари ёки профилактика инспекторларига юклатилган.

Бу масала шу йил 7 май куни ўтказилган кўмитамиз йиғилишида атрофлича кўриб чиқилганди. Марказий банк ҳамда

тижорат банкларининг аҳоли ва тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратишда инсон омилини чеклаш ва рақамлаштиришни жадаллаштириш, кредит ажратиш жараёнининг шафдофлигини ошириш ҳамда коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олиш борасида қўрилган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисидаги ахборотлари эшитилганди.

Депутатлар кўриб чиқилган ҳар бир масалага масъулият билан ёндашиб, аҳолини ўйлантираётган масалалар, хусусан, тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ажратилаётган имтиёзли кредитлар ҳужжатларини сохталаштириш ҳолатларига жиддий эътибор қаратганди. Айниқса, норасмий тўловлар талаб этиш, кредит олишда белгиланган тартибга зид равишда сунъий енгилликлар яратиш, қарорлар қабул қилишда шафдофлиқнинг таъминланмаганлиги сабабли кредитлардан мақсадсиз фойдаланиш, ўзлаштириш ва суиестезомлиқ ҳолатлари оқибатида тижорат банкларида катта миқдор-

да муаммоли кредитлар юзага келаётганига танқидий баҳо берилганди.

Ўз навбатида, кўриб чиқилган масалалар юзасидан қатор таклифларимизни билдирдик. Имтиёзли кредит ажратишда инсон омилини чеклаш ва қарорлар қабул қилишда маълумотларни сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда таҳлил этиш, молиявий хизматларни рақамлаштириш орқали банк миқозларига хавфсиз ва тез амалга оширилаётган “open banking” электрон молиявий хизматлар турларини кенгайтириш, молиявий хизматларни тақдим қилишда тармоқлараро ўзаро боғлиқ молиявий технологиялар экотизимини шакллантириш кабилар шулар жумласидан.

Президентимизнинг шу йил 21 апрелдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит ажратишда коррупциявий омилларни бартараф қилиш, шу жумладан, молиявий

чиқиш ҳамда кредит ажратиш бўйича чиқарилган қарорни платформага жойлаштириш мақсада мувофиқ.

Тижорат банкларига нисбатан молиявий хизматларни амалга оширишда инсон омилини чеклаш ҳамда рақамлаштиришга оид мажбурий қоида ва талабларни банк тизими қонунчилигида белгилаш ҳам аини муддаодир.

Юқорида келтирилган таклифлар кўмида томонидан Марказий банкка тақдим этилди. Ушбу таклифларнинг мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилиши нафақат миқозлар учун қулайлик яратишга, балки соҳада коррупциявий омилларни йўқотишга ҳам хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, Президентимиз томонидан банк тизимини ислоҳ этишга қўйилаётган қатъий талабларни рўёбга чиқариш, айниқса, аҳолини барқарор даромад манбаи билан таъминлаш учун имтиёзли кредитларни ажратишда очиқлик ва шафдофлиқни қафолатлайди.

Хусан ЯРҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси аъзоси.



МИРАКИ ДОР ЙЎЛИ ОЧИЛИШ АРАФАСИДА

Шахрисабз туманининг Мираки қўғончасида кўплаб туристик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Улардан бири — “Gold Step Invest” масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилаётган дор йўли ҳисобланади.

Сайёҳлик

— Ушбу дор йўлининг узунлиги 2050 метрни ташкил қилади, — дейди Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқариш департаменти директори ўринбосари Жавоҳир Тожиев. — Унда 20 дона “кабинка” бўлиб, ҳар бири бир вақтнинг ўзida 8 киши билан ҳаракатлана олади.

Бугунги кунда дор йўли учун зарур 7 та устун тўлиқ барпо этилиб, тролларни тортиш, “кабинка”ларни ўрнатиш ҳамда электр-монтаж ишлари ҳам тўлиқ якунланган. Дор йўли яқин кунлар ичида фойдаланишга топширилиши кутилмоқда.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).



ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАЪЛИМИ

жамият тараққиётида муҳим омил

Мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Бош қомусимиз ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари билан кафолатланган.

Шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, гендер тенгликни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мушоҳада

Айтиш жоизки, бу жараёнлар ўз самарасини кўрсатмоқда. 2023 йил ҳолатига кўра давлат бошқаруви тизимида хотин-қизлар улуши 35 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 45 фоизга, сиёсий партиялар таркибида эса 49 фоизга етгани сўзимизнинг тасдиғи. Бундан етти йил илгари вазир ва унга тенг лавозимлардаги аёллар сони 3 фоиз атрофида бўлган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич икки баробар кўпайиб, 7,7 фоизга етган. Шунингдек, вазирлик ва идоралар штатлари таркибининг қарийб ярмини — 49 фоизини хотин-қизлар ташкил қилаётгани ҳам қувонарли ҳол.

Соҳалар кесимида ҳам аёлларнинг фаол иштироки кузатилмоқда. Яъни уларнинг улуши тиббиётда 75 фоиз, таълим соҳасида — 71, иқтисодиёт ва саноат йўналишларида — 47, қишлоқ ҳўжалигида эса 43 фоизга етган. Хотин-қизларнинг таълим, илм-фан ҳамда жамиятдаги фаоллигини ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Президентимиз деярли ҳар бир чиқишида қиз болани олий маъ-



лумотли қилиш кераклигини таъкидлаб, бу оила фаровонлигига, жамиятдаги муҳитга, бутун мамлакат тараққиётига катта таъсир кўрсатишини ургулаб келади. Зеро, битта қизни ўқитсак, бутун оилани ўқитган бўламиз. Оила билимли, маърифатли бўлса, бутун жамият билимли, маърифатли бўлади.

Шу маънода, тегишли Фармон ва қарорлар асосида олий таълим муассасаларида хотин-қизлар учун кенг имкониятлар яратишга доир дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Тошкент давлат тиббиёт университетида ҳам аёлларнинг таълим олиши, илм-фан билан шуғулланиши ҳамда раҳбарлик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли дастурлар амалга оширилмоқда. Олийгоҳимиз ҳузурида хотин-қизлар кенгаши фаолият юритмоқда ва ушбу тузилма орқали талабаларнинг муаммолари ўрганилиб, уларга

ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилмоқда. Иқтидорли қизлар илмий ва ижтимоий фаолиятга кенг жалб этилиб, улар илмий тадқиқот ишларига йўналтириляпти.

2024/2025 ўқув йили ҳолатига кўра Тошкент давлат тиббиёт университетида профессор-ўқитувчиларнинг 61 фоизини аёллар ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич 2020 йилда 45 фоиз атрофида бўлган, яъни сўнгги беш йилда 16 фоиз ўсган.

Бугунги кунда талабаларимизнинг ўз иқтидорини намоён этишга имкониятлар кенг. Хусусан, улар хорижий олийгоҳлар, илм-фан марказлари томонидан ўтказилаётган дастурларда қатнашиши мумкин. Иқтидорли қизлар учун махсус мотивацион форум ҳамда танловлар ўтказилмоқда. Ўқш ва жамоатчилик ишларида фаол, истеъдодли ёшлар Президент, Беруний ва Навоий стипендиаларига сазовор бўляпти.

Университетимиздаги “Лидер қизлар клуби”, “Аёллар кенгаши”, “Ёш тадқиқотчи аёллар форуми” каби ташаббуслар қизларни нафақат таълим, балки жамоатчилик фаолиятида ҳам етук раҳбар сифатида шакллантиришга кўмаклашмоқда. Ўтган йиллар давомида “Лидер қизлар клуби” таркибида 300 дан ортиқ қизлар иштирок этди, “Иқтидорли қизлар ҳафталиги” доирасида 16 та маҳорат дарси ва 4 та форум уюштирилди. Шунингдек, “Аёллар кенгаши” томонидан ҳар ойда ўртача 250 — 300 нафар қиз учун мотивацион учрашувлар ўтказилмоқда.

Ходимлар ва талабаларнинг ижтимоий ҳимояси ва турмуш шароитини яхшилаш масаласи ҳам доимий эътибор марказида. Масалан, хотин-қиз талабаларимиз учун махсус ётоқхоналар, болали аёллар учун енгиллаштирилган ўқув жадвали, доимий равишда фаолият юритувчи психологик хизматлар йўлга қўйилган. Ўтган ўқув йилида 1120 нафар қизга ётоқхона ажратилди. Ёлғиз она бўлган талабалар учун моддий ёрдам ва индивидуал дарс жадвали амалиёти жорий қилингани ҳам уларга бирмунча қулайликлар яратиб, эмин-эркин таълим олишига йўл очмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир ислохот қизларимизнинг билимли ва касбий малакаси юксак шахс сифатида вояга етиши учун хизмат қилмоқда. Шу жиҳатдан Тошкент давлат тиббиёт университети жамоаси биз, профессор-аёллар, ушбу жараённинг бир бўлага эканимиздан фخرланамиз. Университетимиз жамоаси аёллар салоҳиятини рўёбга чиқарадиган академик муҳит яратишда, бугунимиз ва эртанги кунимиз учун билимли, илмий етук, ўз ҳаётини ҳамда фуқаролик позициясига эга кадрларни тайёрлашда ҳамisha пешқадамлар сафида бўлади.

Сайёра АҲМЕДОВА,
Тошкент давлат тиббиёт университети профессори.

Изланиш

Янги қовун навлари

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм илмий-тажриба станциясида учта янги қовун нави яратилди.

— Хоразм қовунлари ўзига хос мазаси, таъми билан бошқа хуудларда етиштирилган полиз экинларидан ажралиб туради, — дейди Хоразм илмий-тажриба станцияси раҳбари Санъат Қаландаров. — Бунинг асосий сабабларидан бири алмашлаб экиш ва суғориш технологияси ҳисоблана-

ди. Одатда, Хоразмда қовун Амударё бўйидаги ерларга экилади ва суғорилмасдан, ер остидан нам олиб пишиб етилгани боис мазаси жуда ширин бўлади. Урганч давлат университети қовунчилик бўлими олимлари билан ҳамкорликда яратилган “Ифтихор”, “Гандимён”, “Кумуш” навлари

ҳам воҳа тупроқ iklim шароитига мос бўлиб, экспортбоп ҳисобланади.

Тажриба станциясида 40 гектар майдонда 127 хил навдаги қовун етиштирилди. Ушбу навлар йўқолиб кетмаслиги учун ҳар йили уларнинг уруғлари генфондга олинади. Қўп илмий илмий изланишлар махсули бўлган янги навлар 8 — 10 август кунлари Хивада ўтказиладиган анъанавий халқаро “Қовун сайли” фестивалида намойиш этилади.

Одилбек ОДАМБОВ
(«Халқ сўзи»).

ОБОДЛИК, АВВАЛО, ҚАЛБИМИЗДАН БОШЛАНИШИ КЕРАК

Мамлакатимизда аҳолининг фаоллигини оширишга ва фуқаролик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Халқ дардини эшитиш, унинг фикри ва хоҳишини инобатга олиш,

Ташаббус ва таассуф

«Кўчалар ойнадай ярқиради»

2024 йилги “Ташаббусли бюджет” дастурининг 2-босқичи доирасида 59 та маҳалладаги 65 та объектда 85,1 млрд. сўм маблағ эвазига 226,2 км. узунликдаги ички йўллар асфальтланди. Бу фуқаролар ҳаётида муҳим бурилиш бўлди. Жорий йилда эса дастур янада кенг қамровли тарзда амалга оширилди. 1-босқич доирасида 75 та маҳалладаги 80 та объектда 115,1 млрд. сўм маблағ эвазига 283,2 км. ички йўлларга асфальт ётқизилди. Бунинг натижасида 84 минг 900 нафар аҳоли яшайдиган 487 та кўчада қулай шароит яратилди.

Бу ишларнинг амалий натижаси мамлакатимизнинг турли ҳудудларида кўзга яққол ташланмоқда. Масалан, Жалақудук ту-

жамият ислохотларида аҳоли иштирокини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг ёрқин мисолларидан бири — “Ташаббусли бюджет” дастури. У орқали фуқаролар ўзлари яшаб турган ҳудудда муҳим деб топишган муаммоларга ечим излаш, ўз кучи ва ташаббуси билан янгилик яратиш имкониятига эга бўлмоқда.

ги боғлиқлик, дўстлик, яқинлик тимсоли ҳамдир. Йўли равон маҳаллада одамлар бир-бирларига янада яқинлашади, ҳаётга ишонч, келажакка умид пайдо бўлади.

— Илгарилари фарзандларимизни мактабга олиб боришда лой ва сувли кўчалардан ўтганимиз ҳали-ҳануз ёдимизда, — дейди Балиқчи туманидаги “Туркистон” МФЙ фаоли Фарҳодбек Низомов. — Энди эса ҳар бир кунимиз текис йўл, чароғон кўча ва мусавфо ҳаво билан бошланади. Энди кўчага чиқсак захмат чекмаймиз.

Ана шундай самимий сўзлар, халқ розилиги бу каби дастурларнинг ҳаётбахш кучини англатади. Чунки йўллар обод бўлса, турмуш ҳам чиройли бўлади. Аҳолининг иштирокини таъминлаган, ҳар бир овозга аҳамият қаратган, муаммога жамоавий

ечим топишган хайрли иш келажак сари қўйилган яна бир дадил қадамдир.

Ой юзидаги доғ

“Халқ жипслиги тоғни ҳам кўчиради”, дейди доно халқимиз. “Ташаббусли бюджет” каби фуқаролар манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган лойиҳалар шундай жипслик, ҳамжиҳатлик, иноқлик туфайли самара бераётгани ҳам рост. Бироқ ойнинг ҳам юзида доғ бўлгани каби ушбу хайрли лойиҳа ортида дилни хира қиладиган ҳолатлар учраб турибди. Бугун “Ташаббусли бюджет”ни ҳақиқий ислохот воситасига айлантириш учун, аввало, унга бўлган ишончни асраш керак.

Республикаимизнинг айрим ҳудудларида овоз тўплаш жараёни ноконуний хатти-ҳаракатларни юзага келтираётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, овозни пулга сотиб олиш ҳаракатлари кенг тарқалди. Мисол учун, Андижон вилоятида битта овознинг нархи 20 минг сўмдан 30 минг сўмгача чикди. Бундай ҳолатда ҳақиқий эҳтиёж, асл муаммо, халқнинг рост фикри четда қолиб кетиши тайин. Айрим маҳалларда овоз берувчиларга ун, ёғ, шакар каби махсулотлар тарқа-

тилганига гувоҳ бўлдик. Энг ачинарлиси, баъзи жойларда халқ таълими вакиллари ҳануз овоз йиғишга жалб қилинмоқда. Уларнинг ҳар бирига 30 — 40 тадан овоз тўплаш вазифаси юклатилгани қандай баҳолаш мумкин? Овоз йиғишни “режа” сифатида талқин этиш ташаббуснинг мазмунига зид ҳолат эмасми?

Бундай сохта “ташаббус”лар охир-оқибат бутун дастурнинг обрўсига путур етказди. Бу эса фуқаролик фаоллигининг суъсайишига, жамоатчилик иштирокининг қадрсизланишига олиб келади. Шунинг учун, “Ташаббусли бюджет” чинакамига халқ манфатини кўзлаши, ҳар бир овозини ҳалол, эркин ва виждонан тўплаш орқали амалга оширилиши шарт. Овоз тўплаш жараёнидаги ҳар қандай сунъийлик, ёлғон ва сохталик — эртанги кунга, жамиятга хиёнат деб қабул қилиниши керак.

Фуқаролар дастурнинг иштирокчиси, иложисиз “овоз берувчи”си эмас. Улар танлов қилиш ҳуқуқига, ҳақиқатни айтиш эркин-ага. Ана шундай муҳитдагина “Ташаббусли бюджет” чинакам оммабоп, самарали ва шаффоф тизимга айланади.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

СУРХОНДАРЁ

томонларда

Нилу — туризм қишлоғи



Сариосиё туманида жойлашган Нилу қишлоғига расман “туризм қишлоғи” мақоми берилди. Ўзгал табиати, қадимий зиёратгоҳлари, “Сангардак” шаршарасига яқин жойлашуви, бой маданий мероси билан сайёҳларни ўзига ром этувчи бу сўлим гўшада туризм инфратузилмаси жадал ривожланмоқда.

Ҳисор ўрмон ҳўжалиги ҳудудида ўнга яқин енгил конструкцияли экотуризм масканлари барпо этилаётган бўлса, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун 21 та оилавий меҳмон уйи ташкил қилинди.

Туризм қўмитаси маблағи ҳисобидан 3 млрд. сўмлик сув сақлаш иншооти қурилмоқда. Маҳаллада 15 дан ортиқ хизмат турлари йўлга қўйилди. Йўл инфратузилмаси, телефон алоқаси ва мобиль интернет сифати тубдан яхшиланимоқда. Тижорат банклари банкوماتлари ўрнатилди.

Нилу қишлоғига келган сайёҳлар табиат қўйнида марокли дам олиши, отда сайр қилиши, шифобахш туя сутидан баҳраманд бўлиши учун ҳам қулай имконият яратилди.

«Бу ерда тарих нафас олади...»



Туризм қўмитаси томонидан юртимизнинг бой тарихий ва маданий меросини жаҳон ҳамжамиятига тарғиб қилиш мақсадида Жанубий Кореяда чоп этиладиган нуфузли “Move” (“Харакат”) журналининг бўл гuruh ҳодимлари учун Сурхондарё вилоятидаги қадимий обидалар ва музейларга инфотур уюштирилди.

Хорижлик журналистлар Фаёзтепа, Қоратепа, Кампиртепа, Зурмала сингари тарихий объектлар, Термиз археология музейи ва музей-қўриқхона фаолияти билан яқиндан танишди.

— Ўзбекистонга сафаримиз давомида Сурхондарёда кўрганларимиз бизни ҳайратга солди. Бир неча цивилизацияга оид ёдгорликлар бутун ўтмишнинг жонли гувоҳи сифатида кўз олдимизда намоён бўлди. Бу ерда тарих нафас олади. Воҳадан олинган суратлар асосида махсус тўплам тайёрлашни режалаштирдик. Ушбу китоб орқали бу заминнинг маданий қадриятлари ва бой тарихи билан юртдошларимизни таништириш мақсад қилинган, — деди журналининг ижодий ишлар бўйича директори Чо Мин Гу.

Заргарлик буюмлари экспорти



“Термиз халқаро савдо маркази” эркин савдо зонасида фаолият юритаётган “Termez Gold Production” масъулияти чекланган жамияти хорижга илк бор заргарлик буюмларини экспорт қилди.

Қиймати 3,3 млн. АҚШ долларига тенг бўлган юк Бирлашган Араб Амирликларига жўнатилди. Бу билан вилоятда янги турдаги — тайёр заргарлик буюмларини экспорт қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Ушбу ташаббус юртимизда миллий брендлар ва тайёр махсулотлар экспортини ривожлантириш борасидаги яна бир қадам бўлди.

“Termez Gold Production” МЧЖ томонидан амалга оширилган экспорт нафақат иқтисодий самара, балки Ўзбекистон заргарлик саноатининг халқаро майдондаги салоҳиятини ҳам намоён этмоқда.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Буюк Британия компанияси томонидан суратга олинаётган «Ўзбекистон хазиналари» номли ҳужжатли фильм «National Geographic» телеканалида намойиш қилинади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 875 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқат маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.

Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6